Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 23 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 37 (7034)

Da'vat

Илмни дилга жо қилишга тириш,
Билиб ол-да, сунгра чин ишга кириш.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Ibrat

Республика бадиий рассомлик коллежида ташкил этилган иқтидорли ёшлар танловининг ялпи кўргазмасида ёш ижодкорлардан Баҳром Рустамов, Шухрат Одилов, Янна Кийко, Зоир Мансуров, Диана Садисова ва Собир Эргашев ранг-тасвир, лак-миниатюра, дизайн йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Энди улар Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли тарзда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Қаршимда нурафшон, гулгун чеҳралар,
Ўзгача ҳавас-ла оламга боқар.
Бокира қалбларнинг тубсиз қаридан
Бир дунё орзулар қанотин қоқар.

Нигоҳлар қадалган ўйчан ва маъюс,
Қадрдон гўшанинг кунгурасига.
Барқ урар уларда миннатдор туйғу,
Устозлар меҳнати самарасида.

Бу ерда тўлишди мурғак ақллар,
Дилларга жойланди илму нақллар.
Мустақил ҳаётга талпинар бугун,
Устозлар ўгити инган оқиллар.

Ҳаёт сўқмоқлари турфа ва ўнқир,
Бирини танла-да аста қўй қадам.
Огоҳ бўл, бу йўлда бахту иқбол мўл,
Ва мумкин учраши сароб ҳам.

Шошилма, етти бор ўлча, сўнгра кес,
Ҳар неки ироданг мустаҳкам бўлсин.
Интил фақат олға, лоқайдлик душман,
Билиминг калитдир очгуси тилсим.

Болажон, бугунги сўнгги қўнғироқ,
Шошилмай, мириқиб чалгин жўшқинроқ.
Беғубор болалик сўнгги онлари,
Умрга татисин умр бу узоқ.

Болалик диёри хайр-хуш қилинг,
Юксаклик бағрига сапчисин юрак.
Талпинган қўлидан тутмагин энди,
Шиддат инган танга керакмас тиргак.

Шамсиддин ФАРМОНОВ,
Ш. Рашидов тумани 9-мактаб ўқитувчиси

Кишига яшаш учун фақат ҳаво билан сув зарур эмас. Негаким ҳаёти ушмундоқ унсурлар манбаига бунёд этилган маҳлуқотлар теграмизда қўп-да. Энди у инсон бўлгандан кейин фақат ўзигагина хос яшаш услуби ҳам бўлиши керак. Худди шундай лозим бўлган «услуб»лардан бири қуй... қўшиқ...

Яшаш учун нимаики зарур бўлса — у ички эҳтиёж. Йўқса унга нисбатан «зарур» атамаси ишлатилмас эди. Эҳтиёж тагида эса истайсизми-истамайсизми, яхшими-ёмонми манфаат бор. Бу жумлалар исботи учун шундай далил кўрсатишимиз мумкин.

Ҳар йилги анъанавий Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танлови бу йил ҳам, тўғрироғи, куни кеча тантанали нишонланди. Уч кун давом этган байрамга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан таълим тизими муассасаларининг жамоалари ҳозир бўлишди. Байрам иштирокчилари даставвал пойтахтимиздаги эътиборли масканларни, боғларни, музейларни бориб кўришди. Сўнгра...

ВАТАН ДЕЯ ЯНГРАР ҚЎШИҚЛАР

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театрида бадиий жамоаларнинг маҳоратлари намойиш этилди. Саҳнадаги ҳар бир чиқишни мутахассислар, ҳакамлар ҳайъати кузатиб турдилар. Чиқишлар ғоятда ранг-баранг бўлди. Жойлардан келганлар ўзига хос бадиий кўринишларни даврадагилар ҳукмига ҳавола этди. Сўнгра...

Тошкентнинг муҳташам «Туркистон» саройи қўлига доира тутган, рубоб тутганлар билан гавжумлашди. Яъни ушбу саройда кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш ва қўшиқ байрами қатнашчиларининг якуний концерти бўлди. Ушбу маросимда республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашиб, аввало, танлов ғолибларини ва барча байрам иштирокчиларини қизғин табриклаб, уларга эсдалик совғалари топширди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази» жамоаси танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса, Хоразм вилояти мактаб ўқувчиларининг мақом гуруҳи ҳамда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 8-ўрта мактабнинг фольклор гуруҳига насиб этди.

Байрам якунланар экан, танловда қатнашганларнинг деярли барчасига ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси томонидан махсус совғалар топширилди. Шунингдек, байрамда «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармалари вакиллари ҳам бор эди. Демоқчимизки, бугун истеъдодларнинг бошини силайдиган замон. Улар миллат учун, эртанги кун учун керак. Ҳозирги сингари байрамларда ушбу жамғармаларнинг иштирок этиши, ҳомийлиги жамоатчиликнинг, ҳукуматимизнинг бугунги ёшларга кўрсатаётган ўзига хос меҳр намунасидир.

Алишер НАЗАР

Суратларда: • Танлов ғолиблари — Ғиждувон туманидаги «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази» ўқувчилари. • Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманидаги 11-мактаб ўқувчиси, танлов қатнашчиси Сарбиноз Анақулова.

Марат АРИНОВ олган суратлар

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

• Ўзбекистоннинг нефть ва газ салоҳиятидан фойдаланишни янада кенгайтириш, илғор техника ва технология билан қуроллантириш, тармоққа хорижий сармоя жалб қилиш мақсадларини кўзда тутган «Нефть ва газ — 98» иккинчи халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди.

• Женевада ўтказилган халқаро кўргазмада иштирок этган «Навоий-азот» жамоаси мутахассисларига кўргазманинг медали ва фахрий дипломи топширилди.

• Куни кеча Индонезия Президенти Сухарто ўзининг истеъфога чиққанини маълум қилди.

• Туркия Президенти Сулаймон Демирэл расмий ташриф билан Украинага келди.

• Жаҳон савдо ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида 1999 йилгача халқаро электрон тармоқлар орқали савдо операцияларини амалга оширишда бож олмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди.

• Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо 113 мамлакат ташқи ишлар вазирлари иштирокида бўлиб ўтган конференция қатнашчилари АҚШнинг Кубага қарши иқтисодий жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фикрини якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ
2-бет

НАФИС МАЖЛИСЛАР ТАФСИЛОТЛАРИ
4-бет

БОЛАНГИЗГА ДАРСЛИК СОТИБ ОЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли ота-оналар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилганлигидан хабарингиз бор. Айни кунларда китоб дўконларида, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда ташкил этилган китоб савдоси кўргазмаларида дарсликлар савдоси қизғин кетмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида ташкил этилган йирик китоб савдоси расталаридан ўзингиз излаган барча дарслик ва қўлланмаларни топишингиз мумкин.

ТАЪЛИМ ҲОМИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Вазирлик кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар, ўқув адабиётлари сотиб олишдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишни ният қилган Сиз каби олижаноб инсонларга маълум қулайлик яратиш мақсадида пул ўтказиш учун банкда алоҳида ҳисоб рақамини очди. Сиз ўз маблағингизни

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги р/с 20204000000101044001 Жилсоцбанкнинг «Меҳнат» бўлимига (банк коди 00423)га ўтказишингиз мумкин.

ЮРТИМИЗДА ГУЛ БИТСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси ишларини кузатиб, муҳтарам юрбошимизнинг юрт ва халқ учун, ёш авлод ва унинг порлоқ келажаги учун, тинчлик ва осойишталик учун жон куйдиришларини, жон-жафо чекишларини кўриб жуда таъсирландим. Сессия ўз ишини олиб бораётган мажлислар зали, халқ вакиллари, атрофдаги тинч-осойишта муҳит, буларнинг ҳеч бири назаримиздан четда қолмади. Юртбоши сифатида кечани кеча, кундузни кундуз демай, тиним билмай жон куйдириб ишлаётган, жаҳонда ўз мавқеига, ўз ўрни ва ўз ҳуқуқига эга бўлиб, собит қадам ташлаётган мустақил республикамиз учун жон фидо бўлаётган Президентимизнинг хизматлари беқиёс.

Жуда қисқа вақт ичида, ҳали ёш бўлса-да, жонажон юртимизда қанчадан қанча ютуқлар, юксалишлар. Илоҳим, бу гўзал ва тинч юртимизга кўз тегмасин, муқаддас заминимизни Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Сессияда қабул қилинган қонунлар, Оила кодекси, қишлоқ хўжалигига оид ҳужжатлар бизни жуда қувонтирди. Зотан, оилага эътибор қилиниши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Чунки оилада, оилавий бахтда ҳикмат кўп.

Бахтиёр оила энг биринчи ва энг кучли тарбия ўчоғи, демак ёшларимизнинг толеи, эртанги саодатли кишилар юртимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ислом Каримовнинг «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан, шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш бизнинг фуқаролик бурчимиз», деган сўзлари мени жуда тўлқинлантирди. Чунки мен онаман, мен ўқитувчиман.

Замон ишлаганники эканлигини халқ тушунаяпти. Бошқимандалик кайфияти кўтарилаяпти. Тадбиркорлик ва деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Лекин ҳали бу йўлда анчагина ғовлар, тўсиқлар мавжуд. Бунга айрим раҳбарларда мардлик, қатъиятлик ва меҳрибонликнинг етишмаслигидир.

Инсоннинг улуғлиги қўлидан келган ишларида, яратувчилигида кўриниб туради. Дарҳақиқат, бизлар жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган ота-боболаримиз билан фахрланишимиз, уларнинг ворислари эканлигимиздан ғурурланишимиз керак.

Буюк бобомиз Алишер Навоий айтганидек, офтоб бутун оламга баравар нур сочса ҳам, саҳрода янтоғу, бўстонда гул битар экан. Истардимки, боғу-бўстон юртимизда мустақиллик қуёши нур сочаверсину фақат гулу лола битсин, эзгу орзуларимиз кўкка бўй чўзаверсин.

Сайёра ҲАМДАМОВА,
Жиззах Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси

Yanqi texnologiya

ТАЪЛИМДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМИ

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, дидактик материалларнинг камлиги таъкидлаб ўтилади. Унда ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш, замонавий ахборот технологиясини яратиш, компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш масалалари қўйилган.

Таълим олдида турган бундай вазифани бажариш учун ўқувчи фаолиятини мустақил ўрганишга йўналтириш лозим. Чунки ахборот кундан-кунга ортиб бораётган жамиятда яшаётган ҳар бир кишининг бутун умри давомида билим олишига имкониятлар бўлмоғи керак. Бунда ўрганувчининг фақат маълум бир билимлар тўпламига эга бўлишигина етарли бўлмай, балки уларни мустақил равишда олишни, ахборот билан ишлашни, зарур ахборотлар манбаини ва ўрганиш воситаларини топишни, келгусида малакасини оширишда, касб йўналишини ўзгартиришда ва шу каби бошқа ҳолатларда ўрганиш фаолияти усулларини ўзи аниқлашни билиши жуда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан ТошДУ қошидаги гимназияда ўқувчиларнинг қизиқиш доирасига қараб рефератлар, докладлар тайёрлаш, техник ечимлар топиб қурилмалар ясаш, дастурлар тузиш, йўналишлар бўйича адабиётлар картотекасини тузиш каби ишларни бажаришлари йўлга қўйилган. Бундай ишларни бажаришда факультетларнинг ўқув-илмий лабораторияларидан, компьютер техникасидан кенг фойдаланилмоқда, уларга раҳбар консультант бўлиб талабалар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар қатнашмоқдалар. Натижада ўқувчиларнинг фақатгина маълумотларни тўплаш ўқувигина шаклланиб қолмай, шунингдек муаммони аниқлаб, уни ечиш йўлини ахтаришга бўлган қизиқишлари ҳам ортмоқда.

Равшанки, ўқитишда кўргазмалиликка эришиш унинг сифатини оширишда катта роль ўйнайди. Дарсларда табиат манзараларини, ҳайвонот, ўсимлик оламини, математик, физик моделларни, абстракт тасаввурларни статик ва динамик режимда кўрсатиш, ўзлаштириш сифатини ошириши аниқ. Буларни қўллаган ҳолда анъанавий усулда дарс олиб бориш учун плакатлар, слайдлар, фильмлар, проекцион аппаратлар, намойиш тажрибаларига ва бошқа кўпгина асбобларга эга бўлиш керак. Бундан моддий-техник базага ҳамма мактаблар ҳам эга эмас. Бундай ташқари ҳозир мавжуд бўлган дидактик материалларнинг барчаси ҳам мустақил республикамизнинг ҳаётига ва замон талабига мос келавермайди. Бизнингча, бу борада илғор мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш қўл келади.

Таълимда мультимедиа тизимини қўллаш зарур материални тезкорлик билан ку-

(Давоми 3-бетда)

Taklif

«УМИД» ЖУРНАЛИ НАШР ЭТИЛСА...

Давлатимизнинг ёшларга яратиб бераётган имкониятлари мақтаса арзигуликдир. Айниқса, иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олишлари учун зарур бўлган барча ишлар қилинмоқда. Бу борада Президентимиз Фармони билан ташкил қилинган «Умид» жамғармаси шу мақсад йўлидаги олий хизматлардандир. Иқтидорли ёшларни излаб топиб, уларнинг хорижда таҳсил олишларига ёрдам берувчи ушбу жамғарма мадади билан кўплаб ёшлар дунёнинг машҳур университет, институт ва коллежларида таълим олишмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ, кўпчилик хорижда ўқиётган талабаларимизнинг ҳаётига қизиқади. Уларнинг дунёни англашлари қандай бўлмоқда? Талабаларни қийнаётган муаммолар йўқми? Дарсдан бош вақтларида нима билан машғул? Хорижлик курсдошлари билан муносабатлари қандай? Қолаверса, ўзимиздаги ёшлар четга чиқиб ўқимоқчи бўлсалар, кимга мурожаат қилиб, қандай талабларни бажариши керак?

Шу ва шу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий албатта. Шунинг учун мен таклиф қилардимки, «Умид» жамғармасининг журнали нашр қилинса. Унда юқоридаги саволларга жавоб берилиб, хорижда ўқиётган ёшларимизнинг ўқишлари ва ҳаёт тарзлари билан таништириб борилса, яхши бўларди. «Жаҳон» ахборот агентлигининг хориждаги мухбирлари талабалар билан, уларнинг курсдошлари, ўқитувчилари билан суҳбат, мақолалар уюштирса қандай яхши. Ахир шунда журнални ўқиган аксарият ёшларимизда ҳам ўз замондошлари қатори четга чиқиб ўқиш истаги ва илмга ҳавас уйғонарди.

20-йилларнинг охири ва 30-йилларда Германияда ўқиган ёшларимиз Берлинда «Қумак» номли журнал чиқаришган. Шунингдек «Озод Шарқ» нашриётида Фитрат, Айнийнинг китобларини нашр қилдиришган. Ижодкор талабалар «Қумак»да ўз шеърлари, мақолалари билан қатнашганлар. Наҳот, аждодларимиздан ўрнак олиб, «Умид» жамғармасининг журналини чиқара олмасак. Ўйлайманки, олийҳимматли, ҳотамтой ҳомийлар ушбу журнални чиқаришга ёрдам берадилар.

Умид БЕКМУҲАММАД

MMM — ХАБАРЛАРИ

HAMKORLIKDA HIKMAT KO'P

Yaqinda Chortoq tumanidagi 47 va 38-maktablarning nemis tili fani o'qituvchilari Farida Solieva, Muxabbat Mamajonova 7-sinf o'qituvchilari o'rtasida qiziqarli kecha o'tkazishdi. Unda o'quvchilar gap tuzish, erkin mavzuda gapirib berish, Germaniya haqida hikoya qilish, berilgan matnni ifodali o'qish kabi shartlarni bajardilar. Ular tomonidan «Ninachi va chumoli», «Sholg'om» ertaklari asosida namoyish etilgan ko'rinish to'planganlar qiziqishimi oshirdi. Kecha boshdan oyoq nemis tilida davom etdi.

Har ikki maktabning N.Qayumova, G.Otaboyeva, R. Qozoqova, N. Umarova, N. Usmonova, R.Sharipova kabi o'quvchilari nemis tilidan puxta bilimga ega ekanliklarini namoyish etishdi.

Kechada ishtirok etgan tuman halq ta'limi bo'limi uslubchisi Z.Fatxueeina faol o'quvchilarga esdalik sovg'alari topshirdi.

K.RAHIMOV

USTOZ RUHI SHOD BO'LDI

Shu kunlarda O.Sharafiddinov tavalludining 100 yilligi Respublika bo'yicha keng nishonlanmoqda, yaqinda Namangan viloyat pedagog xodimlar malakasini oshirish institutida ham ushbu boshlang'ich sinf o'quvchilarining sardori, atoqli pedagog olim, «Alifbo» kitobining muallifi tavalludiga bag'ishlangan anjuman bo'lib o'tdi. Unda olim va shoirlar, o'qituvchilar shuningdek O.Sharafiddinovning shogirdi, professor Mahmudjon Yusupov, «Oltin meros» halqaro xayriya jamg'armasi vakili Oyimchaxon Bekmirzayeva va boshqalar qatnashdilar.

Yig'ilishda ustoz muallimning hayoti va faoliyati, «Alifbo» darsligining yaratilish tarixi haqida qiziqarli hikoyalar qilindi, iliq xotiralar so'zlandi. Kurs tinglovchilari ishtirokidagi badiiy chiqishlar ham hech kimni befarq qoldirmadi. O.Sharafiddinovning ibratli faoliyati barcha muallimlarni doimiy ijodiy izlanishga mudom chorlab turadi. Xullas, shu kuni ustozning ruhi shod bo'ldi. Ana shunday bayram ruhidagi yig'inlar hozir viloyatdagi juda ko'p ta'lim muassasalarida ham o'tkazilyapti.

Avaz HAYDAROV

CHIROQCHIDA «OGAHIYXONLIK»

Chiroqchi tumanidagi «Tillar va nafosat» litsey-internat maktabida «Ogohiyxonlik» haftaligi yakunlandi. Hafta moboynida litsey talabalari mashg'ulot va mushoiralarda ulug'shoir Ogohiyning hayoti va ijodiga keng o'rin ajratdilar.

O'quvchi-o'qituvchilar, ko'p sonli otaonalar ishtirokida o'tkazilgan «Ogohiy lirikasi — «Ustina» g'azali», «Shoirning «Chiston» janri», «Ogohiyning «Ogohnomasi», «Ogohiy adabiy merosi va hosirgi zamon» deb nomlangan mashg'ulot va mushoiralar hammaga ma'qul tushdi.

«Ogohiyxonlik» xaftaligining sermahsul va qiziqarli o'tishida litsey internat maktabning Abdullaxon Qurbonov, Ma'rifat Yusupova, Sherzod Tursunov, Samar Yusupov, Dilafro'z Xushvaqtova kabi yosh ijodkor o'quvchilarning xizmatlari katta bo'ldi.

Abduvali OBIDDIN

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Маълумингизким, «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Қуйида ушбу Низомни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорига 1-ИЛОВА

1. Умумий қоидалар

1.1. Умумий ўрта таълим «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилади.

1.2. Ўқиш муддати 9 йил бўлган умумий ўрта таълим (мактабнинг 1-IX синфлари) мажбурий ҳисобланади. У бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олади, ҳамда узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади.

1.3. Умумий ўрта таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ таълимнинг ушбу тури мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур ташкилий психологик-педагогик, услубий, моддий-техникавий ва санитария-маиший шарт-шароитлар яратилади.

1.4. Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаб) юридик шахс ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

1.5. Умумий ўрта таълим муассасасининг устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарорига, мазкур Низомга мувофиқ ишлаб чиқилади, умумий ўрта таълимни бошқариш ваколатига эга бўлган давлат органи томонидан тасдиқланади ва ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органида рўйхатдан ўтказилади.

2. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари

2.1. Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш **умумий ўрта таълимнинг мақсади ҳисобланади.**

Умумий ўрта таълим билимлар зарур ҳажмига асос солади, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки касб йўналишини ва таълимнинг кейинги босқичиҳ танлашга кўмаклашади.

2.2 Умумий ўрта таълимнинг вазифалари:

ўқувчилар томонидан мунтазам билимлар олинишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантириш;

ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини, ижодий мустақил фикрлашни, касб танлашга ва атроф-оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш;

миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш;

таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, мактаб ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқув дастурлари билан узвий ўзаро боғланишини таъминлаш.

3. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш

3.1. Умумий ўрта таълим қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини-ўзи назорат қилиш уқуви, нутқ ва хулқатвор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асослари эгаллаб олинишини таъминлашга даъват этилган.

Бошланғич мактабда ўқув-тарбиявий фаолиятни болаларнинг қобилиятига боғлиқ равишда табақалаштириш давлат таълим стандарти доирасида ўқитиш жараёни мазмуни ва усулларининг хилма-хиллиги; ўқув топшириқларини болаларнинг индивидуал имкониятларига мослаштириш; тенглаштириш синфлари ва гуруҳлари ташкил этиш ҳисобига эришилади.

Бошланғич мактаб ўқув фанлари мазмуни мактабларнинг турли хилларига ва ўқитиш шарт-шароитларига нисбатан мослашувчан бўлади.

Умумий ўрта таълим мунтазам билимлар олинишини, кенг дунёқараш ҳамда ижодий мустақил фикрлаш шакллантирилишини, ўқувчи шахси қарор топишини, унинг қизиқишлари ва ижтимоий ўзини-ўзи аниқлаб олиш қобилиятлари ривожлантирилишини таъминлайди.

3.2. Умумий ўрта таълим мазмуни мажбурий ва қўшимча компонентлардан иборат бўлади.

Мажбурий компонент давлат таълим стандарти билан белгиланади ва ўқувчиларни тайёрлашнинг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида билимлар асосларини янада пухта ўрганиш ва касб эгаллаш учун етарли бўлган зарур даражасини белгилайди.

Қўшимча компонент ўқувчининг эҳтиёжлари ва қобилиятларидан, мактабнинг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланганлигидан келиб чиқиб белгиланади. Қўшимча ўқув юкламалари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган нормативларига мувофиқ белгиланади.

3.3. Ўқув фанлари ва умумий таълим дастурлари рўйхати умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти билан белгиланади.

Мактабнинг ўқув-тарбиявий иши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган базавий ўқув режаси ва умумий ўрта таълим дастурлари асосида амалга оширилади. Улар:

давлат таълим стандарти доирасида ўқитиладиган фанлар бўйича замонавий билимлар олиниши ва ўзлаштирилишини:

интеграция қилинган ўқув курслари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини;

давлат тили ва чет тилларни, гуманитар-ижтимоий ва эстетик туркумдаги фанларни ўрганишнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришни;

ўқувчиларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, санитария-гигиена маълумотини такомиллаштиришни;

янги ахборот ва педагогик технологиялар яратилишини ва улардан фойдаланишни;

ўқувчиларни касбга йўллашни ва уларни касб-ҳунар ўргангунгача тайёрлашни назарда тутади.

4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

4.1. Болаларни умумтаълим мактабига қабул қилиш тиббий-психология-педагогика комиссиясининг тавсияномалари бўйича 6-7 ёшдан амалга оширилади. Мактабларда ҳар йили мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш таъминланади.

Жисмоний ва психологик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш махсус (ёрдамчи) мактабларда, шунингдек санаторий-интернат туридаги мактабларда амалга оширилади.

4.2. Умумий ўрта таълим кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади. Дарснинг, ўқув чораги ва ўқув йилининг давом этиш муддати, кунлар ва ҳафталар бўйича дарслар жадвали, ўқувчиларнинг синфларда ўқув юкламаси ва синфларнинг тўлдирилиши ҳамда ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштиришнинг бошқа масалалари умумий ўрта таълим давлат стандартига мувофиқ белгиланади.

4.3. Мактабларда иқтидорли болаларни излаш, танлаб олиш ва ўқитиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилади. Улар учун махсус (шу жумладан муаллифлик) ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ҳамда уларга қўшимча илмий-услубий адабиётлар берилади. Иқтидорли ва истеъдодли болалар таълим дастурларини ўзлаштиришнинг якка тартибдаги жадвалига эга бўлишлари мумкин.

Болаларнинг қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун фанларни чуқур ўрганиш йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган синфлар ҳамда мактаблар ташкил этилиши мумкин.

4.4. Ўқувчилар билан сифатини ва ўқитиш натижаларининг давлат таълим стандартига мувофиқлигини назорат қилишни таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат — сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, контроль ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам назорат қилинади;

оралиқ назорат — чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар шаклида ўтказилади;

босқичли назорат — ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтиҳонлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

якуний назорат — ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

4.5. Умумий таълим дастурларини давлат таълим стандарти доирасида мустақил ўзлаштирган ўқувчиларга, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Экстернат тўғрисида Низом асосида, экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқи берилади.

4.6. Ўқувчилар тиббиёт комиссиясининг ва мактаб педагогика кенгашининг хулосаси асосида якуний аттестациядан озод этилиши мумкин. Аттестациядан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Якуний аттестациянинг белгиланган тартибидан истисолар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўқувчиларни синфдан-синфга ва бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

4.7. Мактабни битирувчиларга якуний тест аттестацияси натижалари, ўқувчининг рейтинги, таълим фанлари рўйхати, улар бўйича дарс соатлари сони ва баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат намунасидаги аттестат, алоҳида муваффақиятларга эришганларга эса имтиёзли аттестат берилади.

Имтиёзли аттестат 5-9 синфларда ўқиш даврида ўзлаштириш (рейтинг) бўйича фақат аъло кўрсаткичларга эга бўлган битирувчиларга берилади.

4.8. Умумий таълим муассасалари фан, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим ва ишлаб чиқариш муассасалари билан мустаҳкам алоқада иш олиб боради.

Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги олимлар, ишлаб чиқариш вакиллари, маданият арбобларини таълим жараёнини юритиш учун жалб этиш, касбга йўллаш ишлари, лекторийлар, танловлар, семинарлар, экскурсиялар ташкил қилиш йўли билан ҳамда бошқа шаклларда таъминланади.

4.9. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш бўйича мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳалла қўмиталари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлинмалари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

5. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

5.1. Тегишли маълумотга, касб-кор тайёргарлигига ҳамда юксак аҳлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд ҳукми билан педагогик фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахслар бу ишга қўйилмайди.

Ваколатли органлар томонидан педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб-кор сифатини рақобатбардошли даражада сақлаб туриш таъминланади.

Педагоглар таркиби ўқитиш йўналишлари (табиий-математика, гуманитар, ижтимоий ва бошқа фанлар) бўйича услубий секцияларга бирлашадилар.

5.2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг ўқув-педагогик юкламаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5.3. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг (ўқув фанлари ва соатлари бўйича) вазифасини вақтинчалик бажариб туриш тартиби, ходимларининг синфдан ташқари фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

5.4. Мактаб маъмурияти ўқитувчилар, мураббийларнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини, уларнинг масъулияти ва касб маҳоратини ошириш бўйича аниқ йўналишли ишларни амалга оширади. Илғор педагогик ва ахборот технологияларини, янги (шу жумладан муаллифлик) ўқув дастурлари, дарсликлар, дидактик материалларни жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлайди.

Педагоглар ва ўқувчиларнинг муносабатлари ҳамкорлик, демократия, ўзаро ҳурмат, шахснинг ўз қадр-қимматини билишини эътироф этиш педагогикаси асосида қурилади.

5.5. Мактаб ўқувчилари ва ота-оналарга психологик-педагогик маслаҳатлар бериш, уларда бундан буёнги таълим ва касбга йўналишни англаган ҳолда танлашини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари ташкил этилади. Марказларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли Низом билан белгиланади.

Марказ мактаб педагогика кенгаши билан биргаликда аттестация якунларига кўра 9-синфларнинг битирувчиларига ўқишни академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида давом эттириш тўғрисида асосли тавсияномалар беради.

6. Умумий ўрта таълимни бошқариш

6.1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари умумий ўрта таълимни бошқаришнинг ваколатли органлари ҳисобланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари икки томонлама — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига бўйсунадилар.

6.2. Мактабга бевосита раҳбарлик таълимни бошқаришнинг юқори органи томонидан тайинланадиган директор, давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасаларида эса — муассис томонидан амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим қатнашчиларининг лавозим ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг бошқарув ваколатлари ва функциялари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, тегишли меъёрий ҳужжатлари, таълим муассасаси Устави билан белгиланади.

6.3. Умумий ўрта таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва мактаб Уставига мувофиқ иш олиб борувчи васийлар, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари, ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотлари, жамғармаларнинг вакиллари ва ҳомийларни ўз ичига олувчи жамоатчилик бошқаруви органлари (васийлик кенгашлари) тузилиши мумкин.

6.4. Мактабда педагогика кенгаши ташкил этилади, у педагог ходимлар, ота-оналар, васийлар, ҳомийларни бирлаштирувчи ҳамда ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши ва унинг такомиллашувига кўмаклашувчи коллегиал орган ҳисобланади. Педагогика кенгаши функцияси мактаб Устави билан белгиланади.

6.5. Мулкчилик шаклларидан ва бўйсунишидан қатъи назар, умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш Давлат тест маркази ҳузуридаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан ўтказилади.

6.6. Давлатга қарашли бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаси у давлат аккредитациясидан ўтказилган вақтдан бошлаб таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.7. Умумий ўрта таълим муассасаси аттестация натижаларига кўра давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

7. Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти

7.1. Умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш белгиланган тартибда:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва мактаб Устави билан тақиқланмаган шартномаларни бажаришдан ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган маблағлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ва мақсадли бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

7.2. Умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техника таъминоти ва кадрлар билан таъминланиши белгиланган нормативларга мувофиқ эҳтиёжлар асосида амалга оширилади.

8. Халқаро ҳамкорлик

Умумий ўрта таълимнинг бошқариш органлари ва уларнинг таълим муассасалари халқаро ҳамкорликни педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг тажриба ўрганиши ва малака ошириши, прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш соҳасидаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда шартномалар асосида амалга оширадилар.

P. S. Низом билан танишиб чиқдингиз. Эндиги вазифа ҳар бир мактаб педагогик жамоаси ушбу Низом асосида маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ўз мактабларининг уставларини ишлаб чиқишлари, ўзларининг ички талаблари, тартиб-интизомларини белгилаб олишлари лозим. Устав педагогик кенгаш томонидан тасдиқланмоғи, ота-оналарга етказилмоғи керак.

Умумий ўрта таълим ўқув дастурларини тайёрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорига 2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра «тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг синаб кўрилиши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, киритилган таклифларни умумлаштириш мақсадида» республика комиссияси ва махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Йўлдошев Ж. Ғ. — Халқ таълими вазири, комиссия раиси

Холмуродов Р. И. — Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Курбонов Ш. Э. — Президент Аппаратининг етакчи консультанти

Ворисов А. К. — Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси

Муҳитдинов М. М. — Давлат тест маркази директори

Неъматов Ҳ. — филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Толипова Р. — педагогика фанлари доктори, профессор, «Преподавание языка и литературы», «Тил ва адабиёт таълими» журналларининг бош муҳаррири, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Жалолов Д. — педагогика фанлари доктори, Тошкент давлат педагогика университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Алимова Д. — тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Ҳусанов О. — юридик фанлари доктори, Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Икромов Ж. И. — педагогика фанлари доктори, профессор, «Халқ таълими» журналининг бош муҳаррири, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Шодиев Д. Ш. — педагогика фанлари доктори, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Омонов Х. — педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Мирзалиев Т. — география фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Ғофуров А. Т. — биология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Шоумаров Ғ. — психология фанлари доктори, профессор, Республика таълим маркази директори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Нурматов Х. — педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Ойдинов Норсаид — педагогика фанлари номзоди, доцент, К. Беҳзод номидаги Миллий тасвирий санъат ва дизайн институти ректори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Давлатов К. — педагогика фанлари номзоди, проректор, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Усмонхўжаев Т. С. — педагогика фанлари доктори, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, СИНАБ КЎРИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА МАХСУС ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

Она тили ва адабиёт

Неъматов Ҳ. — филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Орипов А. — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси

Қобилова Б. — Бухоро шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси

Валиева М. — Тошкент шаҳридаги 274-мактаб ўқитувчиси

Рус тили

Толипова Р. — педагогика фанлари доктори, профессор, «Преподавание языка и литературы», «Тил ва адабиёт таълими» журналларининг бош муҳаррири, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Раҳматуллаева Х. — Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси

Чет тиллар

Жалолов Д. — педагогика фанлари доктори, Тошкент давлат педагогика университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Сатаров М. — филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Мирсагатова С. — педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти

Ғаниева Ҳ. — Тошкент шаҳридаги 324-мактаб ўқитувчиси

Тарих

Алимова Д. — тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Костецкий В. И. — Республика таълим маркази бош методисти

Жўраев У. — Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

Давлат ва ҳуқуқ асослари

Ҳусанов О. — юридик фанлари доктори, профессор, Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Каримова О. — юридик фанлари номзоди, кафедра мудири, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Омонова О. — Андижон шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси

Иқтисодий билимлар асослари

Ҳўжаев Н. — иқтисод фанлари доктори, профессор, «Иқтисод ва педагогика» кафедраси мудири, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Валиева З. — педагогика фанлари номзоди, кафедра мудири, Тошкент давлат педагогика университети

Матвеев В. А. — Тошкент шаҳридаги 166-мактаб ўқитувчиси

Математика. Ахборот ва ҳисоблаш техникаси асослари

Икромов Ж. И. — педагогика фанлари доктори, профессор, «Халқ таълими» журнали бош муҳаррири, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Азларов Т. — педагогика фанлари номзоди, Тошкент шаҳридаги 40-мактаб ўқитувчиси

Собирова Д. — Хоразм вилояти, Урганч туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси

Тожибоев С. — Наманган вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш институти методисти

Физика ва астрономия

Шодиев Д. Ш. — педагогика фанлари доктори, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Турдиев Н. Ш. — физика-математика фанлари номзоди, доцент, Республика таълим маркази директорининг ўринбосари

Мирзаев А. — Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

Биология. Кимё

Омонов Х. — педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Ғофуров А. Т. — биология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Тиловов Т. — биология фанлари номзоди, кафедра мудири, Қарши давлат университети

Мамажонов Ж. — Фарғона вилояти, Қува туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси

География

Мирзалиев Т. — география фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Ғуломов П. — география фанлари номзоди, Республика таълим марказининг география бўйича илмий-методика кенгаши раиси

Иноғамов Ҳ. — Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси

Одобнома

Шоумаров Ғ. — психология фанлари доктори, профессор, Республика таълим маркази директори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Қурбонов Т. — педагогика фанлари номзоди, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Маҳмудова М. — Марғилон шаҳридаги 23-мактаб ўқитувчиси

Мусиқа

Нурматов Х. — педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат университети, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Каримова Д. — Республика таълим маркази бўлим бошлиғи

Ашуралиев Х. — Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

Тасвирий санъат

Ойдинов Норсаид — педагогика фанлари номзоди, доцент, К. Беҳзод номидаги Миллий тасвирий санъат ва дизайн институти ректори, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Булатов Саидахбор — педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири

Шукурова Гулнора — Қарши шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси

Меҳнат таълими, чизмачилик

Давлатов К. — педагогика фанлари номзоди, проректор, Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Антонов А. — педагогика фанлари номзоди, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти

Шоймардонов М. — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 56-мактаб ўқитувчиси

Жисмоний тарбия

Усмонхўжаев Т. С. — педагогика фанлари доктори, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, махсус ишчи гуруҳи раҳбари

Магометова М. — Республика таълим маркази методисти

Ҳамраев Ш. — Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

P. S. Таҳририятимизга ўқув дастурлари, дарсликларни мукаммаллаштириш тилаги билан турли таклиф, мулоҳазалар келиб турибди. Биз уларни ишчи гуруҳ аъзоларига етказиш ниятидамиз. Таклиф ва мулоҳазалар янги ўқув дастури ва дарсликларини яратишда инобатга олинади, деб ўйлаймиз.

ТАЪЛИМДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМИ

(Боши 1-бетда)

риш, мавжуд техникадан самарали фойдаланиш имконини беради.

Мультимедиа — бу компьютерда товушни, турли кўринишдаги тасвирни, яъни ахборотни сақлаш ва беришнинг ҳар хил усулларини ўзаро боғловчи технологиядир.

Мультимедиани ўқув жараёнида қўллаш бир вақтнинг ўзида тасвирларни статик ва динамик образларда товуш ва матн билан биргаликда олиб бориш ҳисобига билимларни ўзлаштириш сифатини яхшилайди.

Билим даргоҳимизда фанларни, мусиқа ва санъатни ўрганишда мультимедиа дастурларидан фойдаланишга оид тажрибалар олиб борилмоқда. Илғор мамлакатларнинг йирик фирмаларида махсус яратилган бундай дастурларнинг аксарияти инглиз тилидадир. Бундан ташқари, инглиз тили, физика, математика, география каби фанларни ўрганишга оид кенг қуламли рус тилидаги дастурлар тўплами ҳам мавжуд. «Компьютер — Осиё» республика марказида ҳуқуқга бағишланган инглиз, рус ва ўзбек тилидаги дастур яратилган. Бизнингча, ўқувчиларга ана шундай мультимедиа дастурларидан фойдаланиш бир томондан чет тили дарсларида олган маълумотларни қўллаш имконини берса, иккинчидан берилаётган материални инглиз (рус) тилида аниқ эшитиш, фан ва техникага оид атамаларни узлаштириб олиш, чизма, тасвирларни кўриш имконини ҳам яратади. Бу, айниқса, ўқишни хорижий мамлакатларда давом эттирмоқчи бўлган ўқувчилар учун ниҳоятда зарурдир. Албатта, бундай дастурлардан фойдаланишда аввало, унинг мазмунининг давлат стандартларига мослигини, методик жиҳатдан пухталигини ўрганиш лозим. Айтилганлардан кўриниб турибдики, бундай тизимлардан кенг фойдаланиш учун ўқувчилар инглиз тилини, компьютер техникасини бошқаришни етарли даражада билишлари керак.

Буларни ҳисобга олган ҳолда ўқув муассасамизнинг қуйи синфларида инглиз тилини ўрганиш учун мактабдагига нисбатан икки марта ортиқ вақт ажратилиши, информатика фанини ўргатиш 6-синфдан бошланиб, ҳафтасига икки соатни ташкил этиши ўз самарасини бермоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки ўқувчиларнинг MS DOS, NORTON, WINDOVS, WORD каби тизимларни тезкорлик билан ўзлаштиришлари, уларга ЭҲМдаги ахборот базасидан фойдаланиш, мустақил равишда хорижий тилларни ўрганиш имконини бермоқда. Натижада ўқувчилар кўргазмали, овозли ва қизиқарли қилиб тузилган инглиз тили ва бошқа фанларни ўргатишга мўлжалланган мультимедиа дастурлари билан бевосита мулоқот қилмоқдалар. Бундай дастурларда предметнинг тасвири, атаманинг ёзилиши, тўғри талаффуз қилиниши ва шу билан бирга уларнинг ёш психологиясини ҳисобга олиб, кўнгил очар кўринишда берилиши ўқувчиларнинг қизиқишини янада орттирмоқда.

Мультимедиани ўқув жараёнида қўллаш ўзаро боғланган аппарат, дастур, кадр ва услубий қисмларга ажралади. Агар боғланғич икки қисм асосан молиявий таъминлаш билан боғлиқ бўлса, учинчиси мультимедиа аппаратурасини ўрната оладиган ва созлай оладиган, дастурларни инсталлизация қила биладиган ва энг муҳими ўқитишнинг дастури ва мақсадлари учун зарур бўлган материалларни тўплаб тайёрлай оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Бошқа томондан мультимедиа асосида ўқитишнинг муваффақияти кўп томондан қўлланилаётган материалнинг сифатига ва муаллимнинг усталигига боғлиқ.

Мультимедиа аппарати графикли адаптерлар, мониторлар, дисководлар ва қаттиқ дисклардаги накопителлар каби стандарт воситалар ва шунинг билан бирга компьютерларга қўшимча равишда ўрнатилган видеоплата, товуш карталари ва CD-rom приводлари кабилардан иборатдир. Ҳозирги кунда мультимедиа тўпламлари бор ва ўқув муассасаларида улар ўрнатилиши мумкин бўлган замонавий компьютерлар мавжуд. Бироқ ушбу дастурларнинг, техник воситаларнинг асосан тижорат структураларида тўпланганлиги, уларни ўқув муассасаларида қўллай оладиган мутахассисларнинг етишмаслиги маълум қийинчиликлар яратмоқда.

Бизнингча, ҳудудларда бундай ишларни амалга оширувчи, координацияловчи марказларни (хизматларни) ташкил қилиш керак. Бундай марказларда жойлардаги ХТБ да мавжуд фильмотекалар каби дастурларнинг нусхасини кўчиришга, улардан ва техник воситалардан вақтинчалик фойдаланишга, техник ёрдам кўрсатишга, янги дастур, ўқув воситаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга имкон яратилиши лозим.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчи мутахассис тайёрлайдиган кафедраларда бундай ишлар кенг йўлга қўйилиши, уларни битирувчиларда бундай малакаларнинг бўлишига эришилиши зарур. Бизнингча, қайд этилган вазифаларни бажаришда етарли тажрибага эга бўлган ТошДУ, ТДТУ, Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммоси институти ва бошқа бир қатор муассасалар етакчи бўлиши керак.

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ,
Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети қошидаги гимназия директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Til bilgan el bilar

ҲАМКОРЛИК

Бешариқ туман халқ таълими бўлимида фаолият кўрсатаётган «Тинчлик корпуси» кўнгиллиларининг инглиз тили сабоқлари мазмунга бойдир. Америкалик Мишель Бавден ўқувчилар билан мулоқотда дастлаб қийналса-да, бора-бора болаларнинг тил ўрганишга киришишлари бу тўсиқни бартараф этди.

Туман халқ таълими бўлими қошида хорижий тил ўргатиш марказининг ташкил қилинганлиги қувонарли ҳолдир. Бу марказга инглиз тили ўқитувчиси Рисқихон Ҳасанова ҳамда америкалик ўқитувчи Мишель Бавден етакчилик қилмоқда. Марказда инглиз тили ўқитувчилари учун қатор ўқув машғулотлари, Америкадан, Туркиядан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида учрашувлар, мулоқотлар, семинар-кенгашлар ташкил қилинди. Хорижий тил ўқитувчилари билан илғор тажрибаларни ўрганиш ҳам яхши натижа бераётир.

Яқинда туркиялик ўқитувчилар ушбу марказ меҳмони бўлишди. Қўқон иқтисод ўзбек-турк лицейида сидқидилдан меҳнат қилаётган мураббийлар Метин Чомуғли, Уғиз Деренде, Усмон Шоҳинлар билан ўтказилган очиқ мулоқотнинг аҳамияти катта. Улар ўзбек ўқувчиларига инглиз тилидан дарс бердилар. Туман чет тили ўқитувчилари туркиялик ҳамкасбларининг тажрибасидан воқиф бўлишди. Айниқса, Метин Чомуғлининг 5-синфда ўтказган машғулоти диққатга сазовор.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Бешариқ туманидаги 19-ўрта мактаб маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Faxriylarimiz

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ, УСТОЗ!

Кекса педагог Шораҳим Гадойбоев ҳақида гап кетганда, республикамиз маорифчилари уни ажойиб инсон, устоз, нуроний отахон деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат, унинг Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилоятларида раҳбар ходим бўлиб ишлаган давридаги фаолиятини бир чеккадан ҳикоя қилсак, улкан бир китоб бўлади. Халқ таълими бўлимига раҳбарлик пайтида туманда бирор мактаб таъмирлашда оқсаётган бўлса, зудлик билан раҳбарларни йиғар, етишмовчиликларни ҳашар йўли билан бартараф қилар эди. Ёхуд отахоннинг Чиноз туманидаги Олмазор мактаб-интернатига раҳбар бўлганидаги воқеани эшитинг-а. У елиб, югуриб бу маскан шароитини яхшилаш учун ҳаракат қилиб юрганида 9—11 ёшларга етиб қолган 14 нафар етимча хатна қилинмаганидан воқиф бўлади. Доно раҳбар зимдан колхоз раислари ёрдамида вазиятдан чиқиш йўлларини ахтаради. Ниҳоят уларни туғилган куни баҳонасида хатна қилдиради. Тузалгач, сарполар кийгизиб, юртга ош бериб, тўй қилади. Бироқ Ш.Гадойбоев адолатсизликка учраб қамалади. Аммо собиқ Шўроларнинг қийноқ усуллари — Сибирь изғиринлари, азоб-уқубатлар унинг иродасини бука олмади.

У оқланиб чиққандан сўнг яна суйган касби — муаллимлик ишларини давом эттирди. Қатор йиллар Ургут, Боғдод туманларида халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлади. Шунингдек, Тошкент вилояти Оққўрғон туманида методист, назоратчи, мактаб раҳбари вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Мактаблар ва маҳалла атрофида боғлар яратишда ташаббускорлик кўрсатди.

Ҳозир ўша даврда экилган турли хил манзарали ва мевали дарахтлар соя-салқинида нуроний отахонлар, фахрий педагоглар дам оладилар, мустақилликка шукроналар айтадилар. Шораҳим отани соғиниб, дийдор кўришишга чорлайдилар. Ш.Гадойбоевнинг ўзи ҳам пойтахтимиз марказида жойлашган ўқитувчилар уйи қошидаги шаҳар фахрий педагоглари кенгаши раиси сифатида ҳамон фахрийларга тинчлик бермайди. Янги қарорларга лаббай, деб ҳозиржавоб бўлиш, мактаб йиғилишларида, анжуманларда фаол қатнашиш, сўзга чиқиб бой тажрибаларини баҳам кўришдан чарчамайди, бошқаларни ҳам шундай бўлишга даъват этади. Кўнгли чўккан, қаровчисиз қолган ёлғиз, фахрий педагоглар ҳолидан хабар олишга ҳам вақт топади.

Ёшлар билан ишлашда эса ҳаётий воқеаларни сўзлаб, истиқлол моҳиятини англаш, Ватанни севиш, фидоий бўлиш ҳақида гапиришдан чарчамайди. Хуллас, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Шораҳим ота Гадойбоевни таваллудининг 90 йиллиги билан қутлаб, устозга юз билан юзлашинг, эзгу ишлар қилишдан асло чарчаманг, деб тилак билдирамиз.

Рихситилла ХУСАНОВ,
Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,
Эркин УМАРЖОНОВ,
фахрий педагоглар

Uchrashuv

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган молия-иқтисодиёт коллежида маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Зуҳра Муродованинг ташаббуси билан давра суҳбати ўтказилди. Мазкур тадбирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон халқ шоираси, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Қутлибека Раҳимбоева ва Сирғали тумани ҳокимининг ўринбосари Ниғмон Шамсиевлар таклиф этилди.

Талабалар даврасида ўтган бу суҳбатда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари, энг аввало, миллий мафкурани англаб етиш, халқимизнинг қадриятлари, урф-одатларини мукаммал билишга кўп жиҳатдан боғлиқлиги таъкидланди.

Ёшлар олдидаги вазифалар, бозор иқтисодиёти жараёнида пайдо бўлаётган рақобат, маркетинг, бизнес, тадбиркорлик хусусида ҳам мулоқотлар қизиқарли бўлди.

Учрашувда Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғофуров мамлакатимиз парламенти қабул қилаётган қарорларнинг аҳамияти катта эканлиги тўғрисида сўзлади. Сўнг севимли шоираларимиз Ойдин Ҳожиева ва Қутлибека Раҳимбоевалар ўзларининг янги шеърларидан намуналар ўқиб, талабалар олқишига сазовор бўлди.

Давра суҳбатида талабалардан Н.Исаева, О.Нурмамадов, А.Собиржонов, Ф.Тўраевалар фаол қатнашдилар.

Марат АРИНОВ

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат

Fikr

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Маданият тарихи — бу фақатгина моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва тўплаш тарихигина бўлмасдан, кишилар эҳтиёжининг ошиб бориши, инсоннинг ана шу бойликларнинг яратувчиси сифатида шаклланиб боришининг тарихи ҳамдир.

Инсон маънавий фаолияти натижасида фақатгина маданий бойликлар яратибгина қолмай, балки онгини, дунёқарашини, маънавий савиясини, муомала маданиятини ҳам ошира бориб, мутафаккирларимиз орзу қилган комиллик сари олға қадам босади.

Янги жамият қураётган мамлакатимиз ёшлари фақат билимлари, муомала маданияти билан ҳам жаҳонга танилмоғи, ўз ўринларини муносиб эгалламоқликларини давр тақозо этмоқда.

Инсон маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлган муомала маданияти инсон қиёфасини безайдиган зийнатдир.

Муомала — инсоннинг социал фаоллигини кўрсатувчи бир кўзгудир. Муомалада инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари намоён бўлади. Муомала кўп қиррали: иқтисодий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, касбий ва бошқа хусусиятлари акс этади. Бироқ, инсон қайси касб эгаси бўлишидан, қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, муомала маданиятига эга бўлмоғи заруратдир. Чунки инсон ана шу муомаласи билан ҳам ҳаётнинг мўъжизасидир. Шундай экан, инсон ана шу муомала маданиятини ёшлигидан эгалламоғи, шаклантирмоғи шартдир.

Араб олимларидан Шофий шундай деган экан:

«Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик, мулойимлик билан ҳосил бўлади. Ғазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади».

Ҳадиси шарифда ҳам муомала маданиятига доир ҳикматли иборалар анчагина. Жумладан, «Кишининг гўзаллиги — унинг тилидан билинур», «Мулойимлик — ҳикматнинг бошидур», «Қулоқ қа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан», «Яхши сўз ҳам садақадур», «Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади» ва бошқалар.

Муомала маданияти ривожланиши, шаклланиши авваламбор оилада, оила аъзолари орасидаги муомала муносабатида ўз аксини топса, боғча, мактаб, лицей, олий ўқув юртларида мукаммаллашиб боради. Ҳурматли педагогларимиз тарбиянинг ана шу нозик томонига ҳам эътиборни кучайтиришлари лозимдирки, инсон ана шу дарғоҳдан келажакка, мустақил ҳаётга қадам қўяди.

Ёмон сўз қалбни нишонга олади, сўнгра руҳиятга ўтади, кайфиятга таъсир этади, фаолиятни сусайтиради, ҳаётга нафрат уйғотади, одамларга нисбатан ишончсизлик туғдиради, яшашни маънисиз қилиб қўяди.

Яхши сўз ҳам қалбни нишонга олади, бироқ руҳиятни бойитади, кайфиятни яхшилайди, фаолиятни унумли қилади, ҳаётга, одамларга меҳр уйғотади, яшашни маънили қилади.

Дарҳақиқат, одам муомала қилмасдан, мулоқотда бўлмасдан яшай олмайди.

Уйда, ишда, кўчада, қишқаси, қаерда бўлмасин, одамлар билан муомала қилишга тўғри келади. Шундай экан, тоғнинг салобатидан, сувнинг тиниқлигидан, баҳорнинг нафосатидан, ғўдакнинг кулгусидан баҳра олганидек, инсон ширин ва самимий муомаладан — ҳаё ва иффатга эга бўлган қизларимиз, одобли йигитларимиз суҳбатидан, ўз касбини меҳр билан ардоқлаган сотувчи, шифокор ва педагог мулоқотидан ёки нуроний онахон-отахонларимизнинг ширинсухан насиҳатидан — қисқаси, жамоат масканларида бир дақиқа инсоний муомалага дуч келса борми, киши қалби олам-олам қувончларга тўлади, яшашнинг лаззатини, ҳаётнинг маъносини бир зум туяди шу дамда. Келинг, ўрни келганда тилимиздан ташаккур, узр, илтимос, мумкинми каби оддий, бироқ қадрли сўзлар ўз ўрнида такрорланиб турсин.

Ў. ЖАЛОЛОВА,
доцент

Metodik tavsiyalar

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНИ

Ҳадемай, мактабларда сўнгги қўнғироқ чалиниб, олтин ёзнинг ҳароратли кунлари бошланади. Минглаб ўқувчилар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига отланишади. Бундай масканларнинг таъминот масаласидан кейинги ўринда турувчи мазмуний жиҳати қандай бўлиши керак? Ҳар йилгидекми? Ёки мавзулар қуламини кенгайтириш лозимми?

Моҳиятан олиб қараганимизда, оромгоҳларда тўгарак ва клуб машғулотларини олиб бориш ҳайбаракаллачилик учун эмас. Бунинг замирида усиб келаётган авлод онгида мустақил Ватанимизга муҳаббат туйғусини шакллантиришга қаратилган мақсад ётади.

Назаримизда, ўтган йилларгидан фарқли ўлароқ, тўгараклар сони ошиши керак. Улар қарийб 30 тага етказилганда, ҳар бир боланинг қизиқиш ва мойиллиги ҳисобга олинган ҳолда иш юритиш мумкин бўлади. Шу ўринда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Миллий дастурни қабул қилишдан кўзланган муддао нима эканлиги ойдинлашади. Фикримизча, тўгарак ва клубларни билим ҳамда ҳунармандчиликка йўналтирилган ҳолда ташкил этмоқ керак. Спорт-соғломлаштириш, шахматшашка, шеърият, тасвирий санъат, мусиқа, улкашунослик, гулчилик, дурадгорлик, тикувчилик, пазандалик ва ҳоказо йўналишларда дам олувчиларнинг ўз ҳоҳиш-иродалари ҳисобга олинади.

Бу ерда масаланинг яна бир нозик жиҳати бор. Тўгарак раҳбарлигига дуч келган кишини эмас, балки педагогика институтларининг юқори курс талабалари ёки ёш муаллимларни тайинлаш керак. Уларнинг иш юритишида лозим бўладиган материал, жиҳоз ва асбоб-ускуналар муҳайё этилади.

Барча тўгараклар ҳар куни мунтазам ишлайди. Шу ўринда улкашунослик ва ватанпарварлик тушунчалари ўлкамиз табиат ҳамда табиий бойликлари билан боғлиқ ҳолда сингдирилиши яна ҳам катта аҳамиятга эгадир. Сайёҳлик шунчаки гап эмас, бу табиатни соғаниш, билиш ва унга меҳр қўя билиш деганидир. Она сайёрамизда экологик бузилишнинг сабаб ва оқибатлари хусусида «Экология ва инсон», «Огоҳ бўлинг, табиат кечирмайди», «Томчиси ҳам зар», «Ўзбекистон «Қизил Китоби», «Тоғлар бойлигимиз» каби мавзуларда суҳбат ва саёҳатлар уюштириш лозим. Бунда албатта, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Оромгоҳлар тарихий саналардан ҳам четда эмас. Буюк алломаларимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик саналаридан ўқувчиларни огоҳ этиш, улар ҳақида ҳикоя қилиб бериш ҳам тўгарак раҳбарлари зиммасига тушади. Шунингдек, «Алпомиш» халқ достонининг 1000 йиллиги олдидан мушоира ўтказиш жуда мақсадга мувофиқ бўлади. Достондан парчалар ўқиш, унинг ғоявий мазмуни ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришни тўгарак раҳбари амалга оширади.

Булардан ташқари, оромгоҳнинг ҳар бир навбат дам олувчилари билан адабиёт, тарих, математика, табобат бобидаги улуғ алломалар ва буюк шахслар ҳаёти билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш керак. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Навоий каби улуғ аждодларимизни эсдан чиқариб бўлмайди. Бу борада кутубхоналар фаолияти сезиларли бўлиши керак. Гарчанд вақтинча бўлса-да, кўчма кутубхоналар бу шахслар фаолиятидан ҳикоя қилувчи китобларга эга бўлмоғи шарт. Бош тарбиячи, етакчи методистнинг ҳамкорлиги мустаҳкам бўлса, ўқувчилар дунёқарашида ҳам ўзгариш кузатилади

Биз «Олтин ёз, ўтсин соз!» деган шиорни кўп ишлатамиз. Негаки, ёз фасли чиндан ҳам олтин, унинг жазирама кунларида соя-салқин оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришнинг гашти ўзгача. Маърифий характердаги барча тадбирлар эса ёзги дамнинг мазмунини ташкил қилади. Шундай экан, яқинлашаётган ёзги мавсумни мазмунли, унутилмас лаҳзаларга бой қилиб ўтказишда ўз ўрнимизни аниқ белгилаб олайлик.

М. ТУРОПОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

ИТОАТКОРЛИК ЭМАС, ИЖОДКОРЛИК

«Ўз-ўзимни тафтиш» туркумидан

Mulohaza

Инсон умри давомида шундайин бир нуқталар бўлар эканки, худди шу ерда ортга бир назар ташлаб, босган излари салмоғини кўришга эҳтиёж сезиларкан кишида. Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати Норбой Худойберганов ҳам шу кунларда табаррук 60 баҳорини қаршилади. Унинг қилган ишлари, бугунги ташвишлари ва келажак ҳақидаги ўйларидан қуйидаги мақоласида қисман воқиф бўласиз.

Олтмиш йиллик умримнинг қарийб қирқ йили таълим-тарбияга сарфланди. Ҳозирда ҳам давом этмоқда. Жуда кўп қисми, деярли тўқсон фоизи олий мактаб, Тошкент Давлат университети, қолган оз қисми ўрта мактабга тўғри келади. Бинобарин, бир вақтнинг ўзида ҳам муаллим, домла, ҳам олим бўлса наф келтиради, холос. Лекин шахсан ўзим бундай талабларга қай даражада жавоб бериб, кўп йиллик фаолиятимда нималарни қўлга киритиб, нималарга эришолмадим, деган нуқтаи назардан ўз-ўзимни тафтишдан ўтказишга ҳозирги мустақиллигимиз даъват этмоқда. Мазкур даъватнинг ҳаётий зарурат эканлигини Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ўқиб чиққандан кейин яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Энди диққат қилинг-а, ҳар иккала ҳужжат ва уларнинг моҳиятини англатадиган Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги муҳтарам Президентимизнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», деб номланган нутқи муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, баркамол авлод — тараққиёт негизики, буни собиқ совет коммунистлари ҳам эътироф этганлар. Йўқ, шунчаки эътироф этмадилар, бутун дунёга бонг урдилар, жар солдилар, бироқ фақат тилда, оғизда. Амалда-чи? Бу саволга Ислом Каримов юқорида тилга олинган нутқида атрофлича жавоб қайтариб, мустабид тузум даврида таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилганини атрофлича кенг қуламда ёритиб берганлар. Ёритиш жараёнида шундай фикрларни ўртага ташлаганларки, уларнинг моҳиятини чуқур англаб, амалий фаолиятга тўғри татбиқ этилмаса, бу борада самарали натижаларга эришилиши асло мумкин эмас. Жумладан, «Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? деган саволларга диққатимизни тортиб, ҳурматли юртбошимиз ўз мулоҳазаларини қуйидагича давом эттирадилар: «Аминманки, ўргатилмайди. Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган, деганим-деган».

Қаранг-а, яккаҳокимликнинг ўзгинаси-ку! Тағин шундай яккаҳокимликки, у эркин мулоҳаза юритиб, мустақил ҳамда ижодий ишлаш, фаолият кўрсатишга, яратишга, кашф этишга заррача имкон бермади. Фақат мажбурий итоаткорликни, яна итоаткорликни туғдирди, холос. Бу эса эски коммунистик сиёсат маҳсули бўлиб, истиқлол даврида у қанчалик фош этилаётганига қарамасдан ҳамона кўп жабҳаларда, хусусан таълим-тарбияда ўз мавқеини сақлаб қолаётир. Лекин шуни унутмаслик даркорки, собиқ совет ҳокимияти ижодий эркинлик, мустақилликни ҳам, яратувчилик ҳам расман рад этмади, аксича, уларга тамомила янги, эғг ҳаққоний, тўғри мазмун, салмоқ бахш этгани тўғрисида баралла гапирилди, аммо амалда ҳаммасини фақат марксча-ленинча таълимот, коммунистик мафкура доирасида намоён қилдирди.

Инсон ўзини, ўзлигини ўйлаши, англаши ҳудбинликми? Ахир, Оллоҳ одамларнинг ҳаммасини ёппасига ғоятда етук, улуғ шахслар сифатини оладиган қилиб яратмаган-ку! Уларнинг ичида оддийлари, ўртачалари ҳам бўлиши табиий-ку! Ахир, беш панжа ҳеч қачон бир хил бўлмаган, бўлиши мумкин эмас-ку! Таълим-тарбия аслида мана шу оддий ҳақиқатни англатишдан бошланиши керакки, бу вазифа, ишни уддалаш учун сурункасига ўн, ўн икки, ҳатто ўн беш йил ўқиб, барча одамларнинг олий маълумотли ёки фан номзоди, доктори, профессори ё академиги бўлиш шартми?

Эътибор беринг-а, қарийб қирқ йиллик таълим-тарбияга сарфлаган умрим давомида ҳар йили ўртача қирқ, эллик ўсмирнинг ўзбек тили ва адабиётидан олий таълим олишига бевосита иштирок қилган бўлсам, улардан жуда кўп деганда ўн нафарига юксак талабларга жавоб беришини билганим, кўрганим учун ўз меҳнатим бекор кетмаганини ҳис қилардим. Ўқитганларимдан аксарияти, афсуски, ҳозирги мустақиллик давридаги таълим-тарбиядаги ачинарли аҳволнинг келиб чиқишини таъминлаганлар сафида бўлгани учун эса ўзимни айбдор деб биламан. Тўғри, пушаймон бўлмаслик учун олдини олишга интилганман, қурашганман, бироқ хатти-ҳаракатларим кўпинча зое кетарди, ғалаба эмас, нуқул мағлубият келтирар эди.

Бир неча бор шундай воқеалар иштирокчиси, гувоҳи бўлганманки, уларни эслаганда юрагим орқага тортиб кетади. Эътибор беринг-а, филология факультетида беш ёки олти йил таълим олиб, умрида бирорта бадиий асарни, ҳатто «Ўтган кунлар» ёки «Кеча ва кундуз»дай сўз санъати намуналарининг моҳиятини билиш тўғул уларни ўқимаганларнинг қониқарли баҳо олиб, олий маълумотли деган дипломга эга бўлгани кўз ўнгимда рўй бердику! Ўзлари эмас, қимларгадир диплом ишлари, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёздириб, олий таълимга, илмий унвонлар, даражаларга эга бўлаётганлари ҳам гоҳида учраяпти-ку!..

Айни шундай ачинарли аҳвол «Камчиликлар ва муаммолар» деб аталишига замин ҳозирлаган. Табиийки, мазкур бандда қайд этилган нуқсонлардан аксарияти собиқ Совет ҳокимияти давридаги таълим-тарбия тизимидан келиб чиққанки, бу ўша дастурда рўйирост таъкидланган.

Албатта, бу ерда кўрсатилган иллатларни яшин тезлигида бартараф этиш мумкин эмас. Айни чоқда унчалик қийин, мураккаб бўлмаган, бироқ таълим-тарбиядаги аҳволни яхшилашга, таъсир кўрсатадиган айрим муҳим тадбирларни биринчи галда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, таълимнинг бошланғич, ўрта, олий босқичларида ўзлаштириш мезонини асло юз эмас, тўқсон, ҳатто саксон фоизга туширилса, ҳақиқатга яқинлашади. Зотан, ҳар синфда ҳар чорак, ҳар ўқув йилида ўқувчилар ҳам, талабалардан ҳаммаси дастурда белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажаради. Иккинчидан, таълим олувчилар сони ҳар бир синфда 45, олий ўқув юртларидаги ҳар бир курс, гуруҳда кўпинча 50, ҳатто баъзан юз, юздан ортиқ талаба бўлишидан воз кечиб, уларнинг миқдори икки баравар қисқартирилмаса, кўзланган натижага эришиш қийин.

Чунки бир соатлик дарсга 45 дақиқа ажратилган ҳолда ҳар бир ўқувчига қанча вақт сарфланиши-ю, бу лаҳзаларда кимларга нималарнидир ўқитиб, ўқтириб, нималарни ўргатиш, онгу тафаккурига сингдириш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда...

Кўраяпсизми, таълим-тарбияни ташкил этишга боғлиқ муаммо бир қарашда унчалик муҳим эмасга ўхшайди, аммо аслида ижодкорлик ўзига хос, мос муддатни, вақтни қулай маънавий, моддий шароитни талаб қилади, итоаткорликни таъминлаш учун эса... моҳирона ниқобланган зўрлик-зўравонлик бўлса, бас. Тағин шуниси борки, ҳар қандай соҳада сон, миқдорнинг ўрни бор, бироқ барча соҳаларда, шу жумладан, ўқиш, ўргатиш, мутолаада сифат, салмоқ асосий ўринни тутмаса, юксак мазмун моҳиятини белгиламаса, ижодкорликни, кашф этишга йўл очилмайди.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

НАФИС МАЖЛИСЛАР ТАФСИЛОТЛАРИ

Гўзал гуллар ўлкаси — Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Маънавият ва шеърият» мавзусидаги республика VII ижодкор ўқитувчилар анжумани «Оила йили»га бағишланди. Ҳар йилги анжуман ўзига хосликлари билан тарихга муҳрланмоқда. Бу галги ўзига хосликлар нималарда кўринди? Қуйида шулар ва бошқа тафсилотлар ҳақида фикр юритамиз.

«МУНАВВАР ТУЙҒУЛАР»

Энг биринчи ўзига хослик — қатнашчилар қўлига ўтган — VI ижодкор ўқитувчилар анжумани совриндорларининг қаламига мансуб «Мунаввар туйғулар» китоби улашилганлиги бўлди.

Иккинчи йилдирки, «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони совриндорларининг кўнгил битиклари китоб ҳолида чоп этилмоқда. Ўтган йили қатнашчиларга «Муборак дамлар» номидаги шеър, ҳикоя, ҳажвия ва қатралар тўплами ҳадя этилган эди. Мазкур савобли ишнинг ташкилотчиси, албатта, Халқ таълими вазирлиги, хусусан, халқ таълими вазири ҳисобланади. Бевосита унинг ижрочиси «Таълим-таъминот» бошқармасининг бошлиғи Баҳодир Ҳамидов, тўпловчи Марат Шафиев, масъул муҳаррирлар Сафар Остонов ва Икром Отамуродлардир.

У «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди.

Китоб ҳақида сўз бораркан, яна бир ибратли воқеани таъкидлашни истардим. Наманган вилояти ХТБнинг ташаббуси билан вилоятнинг турли манзилларидан 31 нафар ижодкор ўқитувчиларнинг «Мураббий баёзи» номли тўплами чоп этилибди. Бошқа туманларда ҳам ўқитувчиларимизнинг қатор китоблари чоп этилган. Булар савобли иш бўлибди.

ҒОВА МУШОИРАСИ

Ун тўртинчи май куни кечқурун Наманганнинг гўзал Ғоваси меҳмонларни ўз бағрига олди. Тоғ ҳавоси... Тунги тоғ ҳавоси... Юлдузлар яқинлашган чоғ мушоира бошланди. Ҳар бир қатнашчи шеър ўқиди, сўз айтди. Муғаннийлар жўр бўлди. Қўшиқ, рақс... Қисқаси, байрам бўлди...

Эрта тонгда ҳаммани бўлбуллар хониши уйғотди. Нонушта пайти бир шоир бўлбуллар қайтибди, деди. Адибимиз Йўлдош Сулаймон бу юртга бўлбуллар қайтганига етти йил бўлди, деди.

Тунги кайфият эртанги кунга кўчди. Осмонни гоҳ-гоҳида «забт» этаётган ва шу тезликда тарк айлаётган булут — ёмғир гўзал табиатга зеб берди, ижодкорларга илҳом берди. Шарқираб оқаётган Ғовасой, дарахтлар орасидан кўринаётган тоғ чўққиси, ҳамма-ҳаммаси шеър бўлди шу кун. Улардан бирини Абдуҳамид Пардаев битди. Мана, у шеър:

ҒОВАСОЙ

Писандмас сен учун на қиш, на баҳор,
На тийра шомлару беғубор баҳор.
Ҳатто қушлар тинар, бир сен бетиним,
Қалбимдай беқўним, безовта иним!
Асрлар, адирлар сенга чикора,
Бозуғум тузумлар — бунда бечора.
Сени на бор қилар, йўқ қила олар,
На юпун, на оч, на тўқ қила олар.
На баланд, на пастга бермай эътибор,
Бор-будинг ҳотамдай этгайсан нисор.
Шиддату шаҳдингдан ғалаён жонда,
Сарбаст, саркаш руҳинг намоён жонда.
Билдимки, беадад синоат, сеҳр,
Беадад муҳаббат, беадад меҳр.
Ким айтар йўқ дея адлу адолат,
Ким айтар бисёр деб сифла, сафолат.
Ки оби Ғова ҳам нақл этар шундан,
Ўтган, ўтаётган, ўтгувчи кундан,
Бор экан бу очун — тинмагай мангу,
Ғафлат муҳри унга инмагай мангу!

Абдул ҲАМИД

Белгиланган вақтда анжуман иш бошлади. Уни республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов очди. Қарангки, ўша куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта умумтаълимни ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларининг аҳамияти ҳақида гапираркан, уларни ҳаётга татбиқ этишда ижодкор ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтди ва анжуман ишига омад тилади.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон бошчилигида адиблару ижодкор ўқитувчилар тўрт шўъбага бўлинишди. Уларда Сафар Барноев, Омон Мухтор, Маъруф Жалил, Икром Отамурод, Турсунбой Адашбоев, Шойим Бўтаев, Пайм он, Музаффар Аҳмад, Рустам Мусурмон каби шоир ва ёзувчилар бошчилик қилишди. Муҳокамалар жуда қизғин ҳамда самимий ўтди. Айниқса шеърият шўъбаларида сўз сеҳри, қадри, кўнгил мулки ҳақида такрор-такрор шеърлар ўқилди.

Ялпи мажлисда 21 нафар ғолиб ижодкор ўқитувчиларнинг номлари ўқиб эшиттирилди. Ялпи мажлисни олиб борган Йўлдош Сулаймон Ғовада яна бир китоб яратилганлигини жўшиб гапирди. Дарҳақиқат, бу йил ҳам яна бир китоб чоп этиладиган бўлди. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов халқ таълими вазири имзоси билан ҳар бир қатнашчига ташаккурнома топширди. Наманган вилоят ХТБ бошлиғи Дилшода Дадажонова қатнашчиларни қутлар экан, «ҳеч қачон сизларни илҳом париси тарк этмасин» дея тилак билдирди.

САФАР БАРНОЕВ — 60 ЁШДА

Анжуман ўтиши арафасида ва ялпи мажлис тугагач, вилоятнинг барча туман мактабларида ижодкор ўқитувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Унда мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб, фикр алмашиб олдилар.

Шундай учрашувлардан бири Косонсой туман иқтидорли болалар лицейида бўлиб ўтди. Мушоирага севимли болалар шоири ва ёзувчиси Сафар Барноевнинг 60 йиллик туйи уланиб кетди, уни шоир Ҳабиб Саъдулла олиб борди. Лицей ўқувчилари адибнинг шеърларидан намуналар ўқишди. Адибларимиз Йўлдош Сулаймон, Маъруф Жалил, Омон Мухтор, Ҳабиб Саъдулла ва бошқа ижодкорлар қалб сўзларини изҳор қилишди, адибнинг болалиги, ёшлиги, ижод йўли ҳақида гапириб беришди. Мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси ўз шогирдлари билан Сафар Барноевнинг портретини ишлашибди.

Бу тадбир ижодкор ўқитувчиларнинг ялпи мажлисида ҳам эсланди. Унга Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими хомийси» кўкрак нишонини Йўлдош Саиджонов топширди. Биз ҳам Сафар акани бу қутлуғ ёши билан яна бир бор қутлаймиз.

ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Сўнгги пайтларда Наманган ҳақида сўз борса, албатта ваҳобийлик оқимига тегишли шахсларнинг кирдикорлари, уларнинг оқибатлари ёдга олинади. Мактаб шароитида уларга қарши курашишнинг турли йўллари мавжуд.

Бу тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларидир. Шаклда эса кийиниш, ўзини тутишда кўринади. Ҳар бир мактаб низомига кўра, ўз либосига эга бўлмоғи даркор. Шу боис Наманганда кўпчилик ўқувчилар мактаб либосига ўтибди. Бу тартиб ҳижоб масаласини ўз-ўзидан бартараф этади.

Яна бир ўзига хослик, айрим мактаб ўқитувчиларининг ҳам ўз либосига эга бўлишидир. Биз ташриф буюрган вилоятнинг ҳуқуқшуносликка ихтисослашган лицейи ўқитувчилари (аёллар бир хил тикилган либос, эркаклар қора кастюм шим, оқ кўйлак, галстук) шундай либосда эканларки, кўриб кўзингиз қувонади. Айниқса ўқитувчи хотин-қизлар кийган либослар ҳар жиҳатдан чиройли. Баҳоси ҳам арзон — 1300 сўм. Бунинг бир қанча фойдалари бор. Аввало жамоа аёллари ўртасида «мода пойгаси» тўхтатилади, бу эса ўқувчилар учун катта ибрат, одоб мактабини ўтайди. Қарангки, бунинг оила бюджетига ҳам ижобий таъсири бўлар экан. Айрим муаллималарнинг эрлари шаҳар ХТБга телефон қилиб, уларга миннатдорчилик билдиришибди. Ахир ҳар ойда янги кўйлак олиб бериш қайси эрга маъқул келади дейсиз. Умуман олганда оммалаштиришга арзийдиган тажриба экан. Буни барча халқ таълими мутасаддиларига тавсия этамиз.

Х. ОМОНОВ



ЭРАЛИ ПОЛВОН

Чўққилардан виқор кетмас, қор кетмас,
Қоялардан қийғир кетмас, сор кетмас.
Бир боласи ўсиб, полвон бўлгунча
Бир отадан заҳмат кетмас, кор кетмас.

Қай ул кунким қадам босди Эрали,
Гурсиллади ногоҳ Сурхон ерлари.
Тўйларида хизмат айлаб хушовоз.
Ҳофизларнинг қўлларидан тор кетмас.

Тупроғида дарёлари қўш оққан,
Бошларидан зар ёққан, кумуш ёққан.
Азал Темур буваларга хуш ёққан
Полвонларнинг юрагидан ор кетмас.

Бу кун завқу ғурурларга тўлсангиз,
Алпомишга ҳайкал қўймоқ бўлсангиз,
Эралининг бўй-бастидан ўлчангиз,
Излаб келса тулпор — Бойчибор кетмас.

Тақдир, унинг изларини бор қилгил,
Ойбарчиндай бир сулувга ёр қилгил,
Уйларини бешикларга тор қилгил,
Бу уйлардан ифор кетмас, ёр кетмас.

Бориб полвон ўғлонлари элимдан,
Шараф топиб қайтса етти иқлимдан,
Кўзда ёшим, менинг шоир дилимдан
Бир умрга фахру ифтихор кетмас.

Сирожиддин САЙИД

Қутлов

Ҳурматли Юнус ЮСУПОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сермазмун ҳамда сермашаққат меҳнатингизда ҳамиша муваффақиятлар тилаймиз. Соғ-саломат бўлинг!

Нуробод тумани халқ таълими бўлими жамоаси

Xullas...

ЁПИҚ ЗОНАДАГИ МАКТАБ

Бугульмада ташкил қилинган 1-ишчи-ёшлар мактабининг ўқитувчилари ҳафтасига уч марта ўз «ўқувчилари» билан учрашишади. Қизиғи шундаки, «ўқувчилар» бу ерга — қамоқхонага ўз ихтиёрлари билан келишади. Ҳали вояга етиб улгурмаган бу болалар майда жиноятларга қўл уришган. Ишчи-ёшлар мактаби уларни оталиққа олиб, ўқув-тарбиявий жараёнга жалб этишади. «Қисқа курс»да умумтаълим мактабларидаги каби барча предметлар қамраб олинган.

Вақтинчалик жамиятдан ажратиб қўйиш ўсмирларнинг етуклик шаҳодатномаларини олишларига ғов бўлолмайди. Химия, математика, физика каби фойдали фанларнинг махсус зонада ўтилиши, эҳтимол, уларни тўғри йўлга солиб юбориши мумкин, деб ўйлашмоқда муаллимлар.

МУШУК МАШИНАГА ОСИЛИШНИ ҚИМДАН ЎРГАНГАН

Бир хил ҳаёт ҳайвонларнинг ҳам жонига тегар экан. Нельсон номли мушук уйида жуда зерикарди. Айёр мушук қадрдон гўшасини тарк этмоқчи бўлди, аммо у оролчадан сузиб ўтолмай, кечув яқинида жўнашга шай бўлиб турган фургонга осилиб қолди.

Британия ҳайвонларни ҳимоя қилиш ассоциацияси вакили Жон Роджерсон таъкидлайдики, Нельсон фургонда таниш ҳидни сезиб қолади, аммо энди қаёққа ҳам қочарди? Жоннинг сўзига қараганда, бу ҳаракат мушукка омад келтирмади. Қочоқ Нельсон фургонда ўн ёшли ўғил бола, яъни ўз хўжайинига тўқнаш келиб қолганди. Турган гапки, бола ўз эрмагига «ёпишиб» олди...

Бизни эса бир нарса қизиқтиради — машинага осилишни болалар мушукдан ўрганишганми, ёки мушук шумтакаларданми?...

ana shunaqa gaplar

Yaxshilar oramizda

ҚАЛБ САХОВАТИ

«Ўқитувчилар газетаси»да (ҳозирги «Маърифат») мусаҳҳиҳ бўлиб иш бошлаган пайтимда Зиёвуддин ака қирқ ёшлардаги қотмагина киши эди. Мени учратганларида: «Газетада қаламингиз бор экан, ўқилиги қараб баҳо беришади. Таҳлилни ўрганинг ука, ана шунда кам бўлмайсиз» деганлари эсимда.

Университетни тамомлаб ижодий ишга ўтганимда ҳам дастлаб Зиёвуддин ака бошқараётган бўлимга тушган эдим. Энди янада яқинроқ ҳамкорликда, биримиз устоз, биримиз шогирд бўлиб қизғин ишга киришиб кетдик.

Ўша пайтда газетада ҳақиқий маърифат, зиё тарқатувчилар тўпланишган эди. Улар орасида Зиёвуддин Ориповнинг ҳам ўз ўрни, ўз овози, ўз қалами бор эди. Мана, ўшанга ҳам сал кам ўттиз йил бўлибди, ишонгим келмайди.

Зиёвуддин ака «Ўқитувчилар газетаси»да иш бошлаганларида бой ҳаётий ва ижодий тажрибага эга бўлган журналист эди. У бунгача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини тамомлаган, пойтахтимиздаги мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган, «Тошкент ҳақиқати» газетасида таржимон, адабий котиб бўлиб ишлашга улгурган эди.

Зиёвуддин ака бу йиллар давомида замондошларимиз меҳнати, жасорати, ижоди, турмуш тарзи, меҳр-оқибатини ёритувчи мазмунли ва мароқли мақолалар, лавҳалар, очерклари билан республика матбуотида танилди.

Бир қанча муддат мен бошқа, Зиёвуддин ака бошқа газетада ишлаб, орамиз бир оз йироқлашгандек бўлди. Бу биз умуман учрашмадик, мулоқотда бўлмадик, турли мавзуларда баҳслашмадик, деган гап эмас, албатта.

Лекин тақдирни қарангки, биз яна бир газетада ишлашдек бахтга муяссар бўлдик. Мана сал кам саккиз йилдан буён биз «Узбекистон автомобилчиси» газетасида яна ҳамфикр, сафдошмиз. Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг бугунги кундаги ютуқлари, уни ривожлантириш йўлида тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳақида қайғуриш иккимизга ҳам хос.

Зиёвуддин акадаги камтарлик, кишиларга меҳр, айниқса топширилган ишга масъулият улардан анча ёш бўлган ҳамкасблари учун ибрат бўлишга арзигулиқдир. Мамлакатимиз истиқлоли эришиб, халқ хўжалигида, хусусан, автомобиль транспорти тармоғида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, турлик мулк шаклларига кенг йўл очиб берилаётган бир шароитда Зиёвуддин ака мазкур мавзулардаги кўплаб мақолалари билан давр билан ҳамнафас бўлишга, ўзининг кўп йиллик тажрибасига таяниб, кишилар қалбидан жой оладиган сўз топишга интилмоқда.

— Муҳбир ҳамиша ҳаёт дошқозонида қайнаши керак, — дейди устоз Зиёвуддин ака. — Ҳаётнинг аччиқ-чучуклари, одамларнинг дардини ҳис қилмай қўйган қаламкаш уларнинг дилига йўл тополмайди. Бундай муҳбир эса, ўз газеталари ва ўқувчиларини йўқотади. Шунинг учун доимо изланиш, ўз устида ишлаш, энг муҳими ҳалол бўлиш лозим.

Зиёвуддин акани маҳаллада оилапарвар инсон, уч ўғил ва бир қизни вояга етказган ғамхўр ота, бир неча неварага меҳрибон бобо сифатида ҳам яхши билишади. У ҳар куни уларнинг униб-ўсиб, камол топаётганини кўрганида, қалби бир олам қувончга тўлади.

Қалби уммон инсон Зиёвуддин ака 70 ёшни уриб қўйди. Мен ҳам хурсандман ва қўлимни кўксимга қўйиб, эзгу тилакларимни айтишга шошилдим. Зиёвуддин ака сизни бардошлилик ҳеч қачон тарк этмасин!

Ёқубжон АЗИМОВ,
«Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси бош муҳаррири

СПОРТ МАКТАБЛАРИ БИРИНЧИЛИГИ

ҚЎЛ ТЎПИ

Самарқанд вилояти спорт қўмитасининг ихтисослашган болалар-ўсмирлар олимпия резервлари мактаби залида ўн кун давомида қўл тупи мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўн тўрт команда ўртасидаги кескин курашлар натижасида Тошкент шаҳар командаси мусобақа ғолиби бўлди. Андижон вилояти командаси иккинчи, Самарқанд вилояти командаси учинчи ўринни эгаллади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳида 298 ўқувчи турли масофаларга югуриш, баландликка, узунликка сакраш, ядро, диск, босқон итқитиш, найза улоқтириш, қизлар, ўсмирлар ўртасида югуриш эстафетасида ўзаро беллашишди.

Енгил атлетика мусобақаларида ихтисослашган болалар-ўсмирлар олимпия резервлари мактаблари бўйича Самарқанд вилояти биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Тошкент шаҳри учинчи, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари бўйича Сирдарё вилояти биринчи, Фарғона вилояти иккинчи, Бухоро вилояти учинчи ўринни эгаллади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Бухоро шаҳрида ўтказилган мусобақаларда Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятларидан ташқари 11 та команда аъзолари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Олти хил вазн тоифасига кўра, хонободлик Лочин Орипов (46 кг), бухоролик Саиджон Муинов (50 кг), самарқандлик Сухроб Раупов (56 кг), Баҳодир Бозоров (62 кг), тахиатошлик Рустам Жумамуротов (69 кг), хоразмлик Оғабой Сапаров (77 кг) ҳурмат шоҳсупасининг тепасидан жой эгаллашди.

Команда ҳисобида 106 очко тўплаган Самарқанд вилояти вакиллари республика чемпиони бўлишди. Қорақалпоғистон Республикаси (103 очко) ва Бухоро вилояти (94 очко) спорт мактаблари талабалари иккинчи ва учинчи ўринни олишди.

СУЗИШ

Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақаларда республиканинг етти вилояти ва Тошкент шаҳридан ўнта команда иштирок этди. Спорт мактаблари талабалари (қизлар ва ўсмирлар командалари) 50 метрга чалқанча сузиш, 100 метрга эркин усулда сузиш, 200 метрга брасс усулида сузиш, 4х200 метрга эркин усулда эстафета мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақа ҳакамлари Тошкент шаҳридаги 12-болалар-ўсмирлар спорт мактаби талабалари Е. Абдишева, Р. Багаутдинов, Андижон вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли спорт мактаби талабаси К. Верховнинг истиқболли спортчилардан эканликларини қайд этишди.

Умумкоманда ҳисобида Тошкентдаги 12-БУСМ биринчи ўринни эгаллади. Андижон ВХТБга қарашли БУСМ иккинчи, Тошкентдаги 17-БУСМ учинчи ўринни олди.

КУРАШ

Бухоро усулида курашувчи ёш полвонлар Нукус шаҳрида гиламга чиқишди. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари вакиллари беллашишди.

Мусобақа якунига кўра, майдон эгалари — қорақалпоғистонлик спортчилар республика биринчилиги ғолиби бўлишди. Хоразм вилояти вакиллари иккинчи, навоийликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Наманган шаҳрида Фарғона, Тошкент, Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри спорт мактаблари талабалари Фарғона усулида беллашишди.

Учрашувда Наманган вилояти ёш полвонлари республика чемпионлари бўлишди. Фарғона ва Андижон вилояти спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

F. МАННОПОВ

Sport maydonchasi

ОФК АЪЗОСИ БЎЛДИ

Юртимизда футболни ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилаётгани боис, бунга хорижлик соҳа мутахассислари юқори баҳо беришмоқда. Жумладан, Осиё футбол конфедерациясининг Малайзияда ўтказилган конгрессида мамлакатимиз футбол федерацияси ушбу нуфузли ташкилот ижроқўмига аъзо бўлганлиги ҳам ўзбекистонлик футболчиларнинг ютуғидир.

ВОДИЙЛИК ҚИЗЛАР ЮТУҒИ

Фарғонада спортнинг камондан ўқ отиш тури бўйича ёшлар ва ўспиринлар ўртасида ўтказилган биринчиликда биргина фарғоналик қизларимиз А. Калашникова, А. Завзина ва М. Муҳамеджановалар турнир ғолиблари бўлишса, ўспиринлардан А. Бондарев, бухоролик А. Тўраев ва самарқандлик У. Аҳмедовлар фахрли ўринларни эгалладилар. Мусобақа якунида Туркияда ўтадиган халқаро турнирда қатнашиш учун Ўзбекистон терма жамоаси тузилди.

«ЯМБОЛ»ДА КУРАШ

Андижоннинг «Ямбол» спорт мажмуасида кураш бўйича ўтган мусобақада Олтинкўл тумани полвонлари Андижон терма жамоаси ҳамда Қўрғонтепа тумани вакилларини ошиб ўтиб, биринчи республика ёшлар ўйинларига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

«УНИВЕРСИАДА-98» ЯНГИЛИКЛАРИ

Шу кунлари Самарқандда «Универсиада-98» мусобақалари минифутбол, енгил атлетика, стол тенниси турлари бўйича ўтмоқда. Енгил атлетика бўйича дастлабки натижалар қуйидагича: 4 х 100 метрдаги эстафетада фарғоналиклар 50,9 андижонликлар 52,0, самарқандлик талабалар эса 52,9 сонияда масофани босиб ўтиб, фахрли ўринларни эгаллади.

ПАРИЖДАГИ ҒАЛАБА

Париждаги «Берси» спорт саройида андижонлик 22 ёшли ҳамюртимиз Қувончбек Тойганбоев (69 кг) француз боксчиси Ансул Шарденни нокдаун ҳолатига туширириб, профессионал боксдаги иккинчи ғалабасига эришди.

ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳар А.Жомий номидаги 11-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда ШАПСАНОВ ЖАҲОНГИР БЕРДИҚУЛОВИЧ номига берилган АО 004954 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 5-мактаб томонидан 1995 йил ЮСУПОВ ШУҲРАТ ЮЛДАШЕВИЧ номига берилган АО 029152 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Бектемир тумани «Бинокор» қўрғонидан «Қурилиш конструкция комбинати»нинг йўқолган думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Халқ таълими вазирлиги Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини Рисбой Ҳайдарович Жўраевга акаси Холбек ҲАЙДАРОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва математика факультети жамоаси «Умумий математика» кафедраси ўқитувчиси С.Мусабековга отаси Анорқул МУСАБЕКОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва тарих факультети жамоаси «Жаҳон тарихи» кафедраси доценти Р.ҚУРБАНГАЛИЕВА вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Фахриддин КАРИМОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6